# Бўстон

Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп... Алишер НАВОЙИ.

## Хазина

Юртим бағридаги яшил гулшаним,
Тенгсиз хазинаму сархил гулшаним,
Арчалар мисоли зумрад нақадар,
Қуюқ япроқлари гўё кумуш, зар.
Гўзалликда танҳо кўркам ўрмонлар,
Сиз билан яшнайди, ўлкам, ўрмонлар.
Келбатингиз гўё тўлқинли денгиз.
Кўнглимга хуш ёқар шовуллашингиз.
Шаштингиздан сирли оҳанг туярман,
Кўркингизга тўймай чунон суярман.

Минг бир дардга даво яшил ўрмонлар,
Соф, мусаффо ҳаво, яшил ўрмонлар.
Адл теракларнинг чеки йўқ, бисёр,
Сафдош солдатлардек туришар қатор.
Уйим, остонамнинг сизданлиги рост,
Заррин кошонамнинг сизданлиги рост.
Кўзларимга нуру зиё, ўрмонлар,
Дилбар қўшиғиму наво, ўрмонлар.

Музаффар ТУРОБОВ,
хизматчи.

### Бувижон, ўқиб беринг

## Аҳилмиз

Ҳасан билан Ҳусанбой
Жуда аҳил, меҳрибон.

Шундай бўлса-да икков
Ҳар кеч бошлар тўполон.

Қилишолмас муроса
Ўрин-кўрпа талашиб.

Сўнг ухлашар бир-бирин
Тонггача ачомлашиб.

## Ким зўр

Истеҳзоингиз бекор!
Беюрак эмас Туроб.
Бўлса-да нозик, озғин,
У чала олар рубоб.

Рубобин қўлга олса,
Завқ-шавқдан титрар
торлар.

Рақс тушиб кетар шунда
Сиздан ҳам «зўр»
боксёрлар!

Абдураҳмон АКБАРОВ,
хизматчи.

## ЭЗГУ МАҚСАД




Одамларга хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг шарафли бурчидир. Абдурасул Ҳакимов ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида қўлига қалам олганига қарийб ўн саккиз йил бўлди. Республика пионерлар уйи қошидаги ёш рассомлар тўгараги А. Ҳакимовнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишини янада оширди. У чизган суратлар «Тошкент оқшоми», «Тошкент ҳақиқати», «Ёш ленинчи», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати», «Шарқ юлдузи», «Муштум», «Гулистон» каби газета-журналларда босилиб келинмоқда.

Айни пайтда А. Ҳакимов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ташкил қилинадиган журналист-рассомлар кўргазмасида иштирок этиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳамидулла САИДОВ.

**СУРАТДА: А. Ҳакимов чизган «Ошхонада» номли ҳажвий сурат.**

Автор фотоси.

# НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**10—16 АВГУСТ**

### «ЗЕБРА» КОНЦЕРТИ

Германия Демократик Республикасида кейинги пайтларда ташкил этилган «Зебра» рок-группаси Совет Иттифоқи бўйлаб гастроль сафарини ўтказмоқда. Қардош мамлакатдан келган дўстларимиз В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида 11, 12, 13 август кунлари концертлар беришади. Пойтахтимиз меҳмонлари томошабинларни ўз санъати билан мамнун этишдан ташқари, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, ҳамкасблари билан учрашадилар.

### ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЦИРКИ

Тошкент Давлат циркида Чехословакия цирки «Прага-87»нинг томошалари бошланди. Қардош мамлакатнинг цирк санъати усталари Монголия Халқ Республикаси бўйлаб ўтказган муваффақиятли гастролдан кейин Тошкентга келишди.

Қардошларимиз ўз томошасида Ҳиндистон, Африка филлари, арслонлари, айиқларини ўйнатишади. Бундан ташқари, бир қатор ўргатилган отлар ва ноёб ҳайвонлар цирк майдонида бажарадиган ўйинларни ҳам томоша қилиш мумкин.

Чехословакияда кўзга кўринган санъаткор Йозеф Туречек бадиий раҳбарлигидаги бу цирк коллективи бир ой давомида Тошкент томошабинлари ва пойтахт меҳмонларига маданий хизмат кўрсатади.

### РАҚС ВА ЛИБОС ЖОЗИБАСИ

СССР чет эл туризми давлат комитетининг Тошкент бўлимига қарашли ахборот-маданият маркази шаҳримиз аҳолисининг яна бир дам олиш масканига айланди.

Советская кўчасидаги 2-уйда — замонавий бинода жойлашган бу ахборот-маданият маркази шу ҳафта давомида бир қатор тадбирларни намойиш қилади.

12, 14, 15 август кунлари соат 20 да бу ерда республика моделлар уйининг мутахассислари иштирокида замонавий янги тикилган либослар кўриги бўлади. Бир соат давом этадиган бу намойиш пайтида шарқ халқларининг рақслари ҳам ижро этилади. Бунда шаҳримиздаги концерт ва театр ташкилотларининг истеъдодли рақкосалари қатнашадилар.

Ҳафта давомида ҳар куни бу ерда соат 17 да «Баҳор» Давлат рақс ансамбли талантлари ижросида гўзал рақсларни томоша қилиб завқланиш мумкин. Бундан ташқари, ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва якшанба кунлари кечқурун соат 20 да дискотека ишлайди. Шаҳримизда меҳмон бўлиб турган чет эл, совет туристлари ва ҳамшаҳарларимиз бу масканнинг маданий хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

### «ШУНЧАКИ ҲАЗИЛ»

Шу кунларда республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Бундай пайтларда айрим жойларда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ҳоллари ҳам учраб туради. Ана шунинг учун ҳам коммунистик партиямиз бундай иллатларга қарши кескин зарба бермоқда.

Ўзбекистон телевидениеси 14 август куни соат 22 дан 50 минут ўтганда намойиш қиладиган «Шунчаки ҳазил» дам олиш программаси ёшларнинг ўқишга киришига бағишланган.

**Кўрсатув редактори Муроджон Раҳмонов қуйидагиларни маълум қилди:**

— Бу кўрсатувнинг аҳамияти унинг номидан ҳам англашилади. Биз унда ҳаётимиздаги иллатларни кескин фош этишга ҳаракат қиламиз. Кўрсатувнинг сценарий муаллифлари Мурод Калонхонов, Абдулла Исомиддинов, Нормамат Тоғаев ва бошқалар. Ундаги асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғани Аъзамов, Омина Фаёзова, артистлардан Матёқуб Матжонов, Обид Асомов ижро этадилар. Келгусида редакциямиз коллективи ҳар ойда бир марта ана шундай дам олиш программаларини тайёрлаб намойиш этишга тайёргарлик кўрмоқда.

### «ДАЙДИ» ВА БОШҚАЛАР

Ҳинд кинематографияси ҳақида гап борганда албатта Раж Капур яратган «Дайди» фильми тилга олинади. Бу кино асари яратилганига ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам унинг аҳамияти ва бадиий қиммати йўқолган эмас.

Ўзбекистон телевидениеси ҳинд киноси ҳақида махсус кўрсатув тайёрлади. У 14 август куни Ҳиндистон мустақил республика деб эълон қилинган кун муносабати билан биринчи программа орқали соат 22 да томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

Бу кўрсатувда ҳинд кино санъатига кириб келаётган янги-янги актёрлар ҳақида ҳам гап боради ва бир қатор фильмлардан лавҳалар кўрсатилади.

### СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Ўзбекистон телевидениесига келаётган хат-хабарларнинг кўпчилигида совет турмуш тарзига хос урф-одатлар ва анъаналарни қарор топтириш ва эскилик сарқитларига қарши курашиш тўғрисида фикр юритилмоқда.

«Совет турмуш тарзи» кўрсатувининг навбатдаги сони телетомошабинларнинг хатлари асосида тайёрланган бўлиб, унда Тошкентнинг Фрунзе райони меҳнаткашлари ўртасида атеистик тарбиянинг таъсирчанлиги, интернационал оилалар равнақи, янгича урф-одат ва маросимларнинг шаклланиши тўғрисида гап боради. Кўрсатувда район партия комитетининг секретари Т. И. Искандаров, тарих фанлари кандидати К. Турдиалиев, педагогика фанлари кандидати К. Тошлонов, доцент С. Ўтанов иштирок этадилар. Кўрсатувни фалсафа фанлари доктори, профессор А. Э. Абдусамедов олиб боради. Кўрсатув 13 август куни соат 19 дан 45 минут ўтганда намойиш этилади.

### ТУШИНОДА ҲАВО НАМОЙИШИ

Марказий телевидение 16 август куни биринчи программа орқали соат 13 дан 55 минут ўтганда намойиш этадиган кўрсатуви ана шундай деб аталади.

Бу кўрсатувнинг ташкилотчилари юксак даражадаги учувчилик маҳоратини, парашютчилар ва дельтапланерчилар жасоратини экранда акс эттира олиш учун 15 та телевизион камерани ишга созладилар. Бу камералардан айримлари кўз илғамас буюмларни қирқ марта катталаштириб кўрсата оладиган кўзгулар билан жиҳозланган. Ана шу кўзгулар ёрдамида парашютчилар чеҳрасидаги аломатлар яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, вертолётларнинг кабиналарига ҳам ихчам телевизион камералар ўрнатилганки, улар самодаги парвоз қирраларини бевосита томошабин диққатига етказишда қўл келади. Шундай қилиб телевидение ҳам СССР ҳаво флоти кунида ўзига хос парвозга шайланган.

А. ПЎЛАТОВ.



«Лаъл тош» фильмидан лавҳа.

## Кўз ёшлари



Новелла

Ҳаво булут, ёмғир қуяй деб турарди.

Дарвозада катта майдон бор эди, ўша майдонга бориш учун тахта деворли уйлар ва жин кўчалар орқали жарликка тушиш керак эди: сўнгра шарқираб оқаётган анҳор устидаги лопиллаб турган осма кўприкдан, кейин, яна худди боягидек энсиз кўчалардан ўтиб бориларди: пастқам уйлар тугаган ерда атрофи ёнғоқзор майдонга чиқиларди.

— Дониёр қани? — деб сўрадим болаларга етиб олгач.

— Ҳеч кимни кутмай кетиб қолди, тезроқ бормасак кечикамиз, — деди Ғофир, — у ернинг болалари олифтагарчилик қилишмаса бас, бўлмаса томошани кўргандек бўлмайсан.

Шуларни ўйлаб кетаётсам кимдир менга:

— Қара Ҳамза келаяпти, — деди.

Не кўз билан кўрайки, тошларга қоқилиб-суқилиб Ҳамза югуриб келаяпти.

Шартта тўхтадим.

— Қани, изингга қайт, жўна уйга, — деб ўшқирдим.

Ҳамза тўхтаб қолди.

— Мен ҳам борақолай, — деб ялинди.

Унинг кўзларидаги илтижони кўриб, юмшадим-да, нима дейишимни билмай «бор-е» деганча қўл силтаб, болаларнинг ортидан югурдим.

Майдонга етиб келганимизда томоша ҳали бошланмаганди. Одам кўплигидан теварак-атроф ари уясидек ғўнғиллаб турарди.

Эпчилроқ болалар дарахтга чиқиб, худди қарғалардек ёнғоқ шохларида тизилишиб ўтиришарди. Бир-бирига ҳазил-ҳузул гап отишар, ёнғоқ узиб отишарди. Томоша бошланишини узоқ кутиб зериккан қитмир бола, сарғайиб кетган барглар орасида қовжираб кетган пуч ёнғоқни топиб оларди-да, тўда ичида юрган довдирроқ боланинг пешонасини пойларди.

Тўда орасида семиз, беўхшов, худди айиққа ўхшаган киши алпанг-талпанг айланиб даврани кенгайтирмоқчи бўлиб дўриллаган овозда:

— Қани, сал орқага ташланглар, — деб қўлидаги хивич билан одамларни ҳайдар, болаларни туртар эди.

Майдонга етиб келиб, Ғофирни тополмадик: у ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Қаерга йўқолдийкин? — ҳайрон бўлиб турган эдик, Дониёр кўринди. У оломон орасидан чиқиб, атрофга олазарак кўз югуртирди-да, бизни излади. Кеч куз бўлишига қарамай, у оёқ яланг, калта иштонда эди: ёқавайрон, кўйлаги ичидан йиртиқ майкаси кўриниб турарди.

У бизни кўриши билан ёнимизга югуриб келди ва:

— Олапар билан уришадиган итни кўрдингларми? — деб ҳовлиқиб сўради.

— Йўқ.

— Кўрсанглар қўрқиб кетасизлар! Калласи катта, лунжи осилиб тушган, — Дониёр ўхшатиш учун лунжини чўзиб кўрсатди. — Юринглар!

Сал нариროқда итларни «жанг»га тайёрлашаётган эди. Бир тарафда Тош аканинг Олапар деган қари кўппаги, иккинчи тарафда унинг рақиби — Бульдог. Одам қалин: яқинроқ боргач, итга кўзим тушди-ю, сесканиб кетдим. Дониёр айтганидек, итнинг важоҳати қўрқинчли эди: оёқлари калта, аммо ўзи жуда бақувват кўринади, ерга михлаб қўйилганми дейсан. Бульдогнинг жигарранг териси йилтирарди, эгасиям нимаси биландир — чақчайган кўзими, ёки тиришган-буришган башараси биланми, қисқаси унга ўхшаб кетарди. У атрофдагиларнинг гап-сўзларига парво қилмай, ўқтин-ўқтин Тош ака турган тарафга қараб қўярди.

Олапар эса бошини кўтармас, турган ерида безовталанар, ириллар эди. Негадир Тош аканинг ити — Олапар, мана шу бадбашара, қўрқинчли итни ғажиб ташлашини жуда истардим.

Болалар жой-жойларига бориб олишди. Томоша бошланди. Мен укамнинг қўлидан ушлаб, одамлар орасидан туртина-суртина бир амаллаб олдинга ўтиб олдим.

* * *

Шивалаб ёмғир қуя бошлади, бирпасда ер ҳўл бўлиб, тарновлардан шариллаб сув оқиб тушди.

Ўртага итларни олиб чиқишди. Улар бир-бирларини томоша қилаётгандек қотиб қолишди.

Эгалари «ол» дейишлари билан итлар уларнинг қўлларидан отилиб чиқиб, яшин тезлигида келиб бир-бирларига урилишди.

Ҳамза қўрқиб кетганидан оёқлари бўшашиб, менга маҳкам ёпишиб олди. У, ҳозиргина жим турган итлар, нега бирданига худди ваҳший йиртқичлардек даҳшатли овоз чиқариб уришиб кетганига тушунмасди. Назаримда уни, итлар одамларга ташланса нима бўлади, дегандек ваҳима босди.

Майдонда эса иккала ит тикка олиша бошлади.

Олапар рўпарадан кўкрак зарбасига эпчил эди. Ҳар гал шитоб билан келиб рақибига ташланар ва бир уришда уни юмалатиб юборарди.

Афсус, бу гал чап бериб қолган миқти Бульдогнинг устидан ўтиб ағдарилиб тушди, бироқ барибир чаққонлик қилиб ўрнидан турди-да, яна рақибига ташланди. Дафъатан у Бульдогнинг қулоғидан тишлаб олди ва юмалатиб юборди. Кейин бир талпиниб унинг бўйнидан тишлаб олди. Ҳамма шу топда Олапар Бульдогни ғажиб ташласа керак деб ўйлаган эди. Бироқ Бульдог бир амаллаб ўзини ажратиб олди.

Ёмғир ҳамон ёғаётган бўлса-да, одамлар жойларини ташлаб кетмасдан, қий-чув кўтариб томоша қиларди. Фақат уришаётган итлар қаёққа қараб сурилишса одамлар ҳам ўша тарафга қараб сурилишарди.

Итлар анча олишишди, секин-аста Олапар чарчай бошлади. Қариб қолгани билинди, кейин бунақа пастак, кучли рақибига мослаша олмади.

Олапар яна бир уриниб сўнгги кучларини йиғди-да, Бульдогни кўкраги билан уриб йиқитмоқчи бўлди. Лекин яна мўлжалидан янглишиб, рақибини устидан учиб тушиб, ағдарилди. Ўрнидан шахд туролмади, Бульдог чаққонлик билан унинг томоғидан олди. Шу алпозда итлар негадир бироз жим қолишди. Уларнинг қорни тез-тез кўтарилиб тушар, хириллаб оғир нафас олишар эди. Ўзидан кўриниб турардики, иккала ит жуда чарчаганди.

Хиёл дам олгандек бўлиб, Олапар Бульдогнинг тагидан чиқиб кетишга бир уриниб кўрди, лекин иложини қилолмади. У яна уринди, талпинди, тўлғанди, бироқ Бульдог уни куч билан босиб турар эди.

Тош ака эса, бор овози билан бақирар, йиқилиб қолган итига ўрнидан туришини буюрар, бироқ итнинг туришга куч-мадори сира ҳам қолмаганди.

Энди Бульдогнинг эгаси «Фас!» деган эди, Бульдог ваҳимали ириллаб, кўппакни тишлаб олган жойидан қўйиб юбормай, судраб лойга булғай кетди. Ҳозир у жуда даҳшатли бўлиб кўринарди. Тагида қолган итнинг тишлаган жойини узиб олмоқчидай бор кучи билан ҳар тарафга силтарди.

Бирдан Олапар аянчли товушда ангиллаб юборди.

Итларни бир-биридан зўрға ажратиб олишди.

* * *

Томоша тамом бўлиб, одамлар ғовур-ғувур қилиб тарқала бошлашди. Биз тўполон ичидан бир-биримизни зўрға топдик.

Ҳозир бўлиб ўтган томошанинг ҳаяжони кучлилигидан муҳокама қила бошладик.

Дониёр билан Ғофир ҳеч кимга сўз бермай баланд овозда бақиришарди.

Гапга берилиб, аниқроғи бу воқеадан қаттиқ таъсирланиб, Ҳамзанинг қаерга йўл олганини сезмай қолибман. Энди уни қидирмоқчи бўлиб тургандик, ўзи кўриниб қолди. Жаҳлим чиқиб, уни койимоқчи эдим, у менинг қўлимдан тортиб:

— Ака, боя ангиллаган кўппакнинг эгаси роса калтаклаяпти, юринг, — деди.

— Қаерда?

Ҳамза қўли билан кўрсатди. Ҳаммамиз ўша тарафга югуриб кетдик. Кўппак ҳаммаёғи лойга беланган ҳолда бир ўзи ётар эди, ёнида ҳеч ким йўқ эди. У бизнинг келганимизни сезмади, ёки аҳволи оғирлигиданми бизга қарамади, тилини узун осилтириб, ўқтин-ўқтин чуқур нафас оларди.

Ёнғоқ устида қарғалардек тизилишиб ўтирган бояги болалар ерга бирин-кетин сакраб туша бошладилар.

— Ва-а, ва-а-а, — дея Олапарни масхара қилиб кула бошладилар. Шу ердан ўтаётган кишилардан бири:

— Тош аканинг ити бинойидек ташланиб турганди, унга нима бўлди, сира тушина олмадим, ҳеч бунақа қилмасди-ю, — деб қолди.

— Охирига бориб чарчаб қолди-да, нима деймиз энди? — деди яна бири.

Улар итни кўрмай ўтиб кетишди.

Ниҳоят, Тош аканинг ўзи кўппакнинг олдига келди. Олапар ўрнидан турмоқчи бўлиб, аранг синган оёғини осилтириб, уч оёқлаб эгасига интилди. Тош ака турган жойида бирдан итнинг қорнига тепиб юборди. Ит ғиқ этди-ю, жим бўлди.

Тош ака итнинг енгилганига чидаёлмасди. Кейин у сўкина-сўкина итнинг ёнидан алланарсаларни йиғиштириб олди-да, нариროқда турган кишилар тарафга кетди. Шу пайт Ҳамза бехосдан, ҳайрат билан қичқирди:

— Вой, ака, қаранг! Йиғлаяпти! Йиғлаяпти!! Кўзига қаранглар, ёш оқаяпти!...

Ростдан ҳам ит худди одамга ўхшаб кўз ёши тўкарди. Ҳамза менга ўгирилди, унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Алишер МАҲСУМОВ,
хизматчи.

### Китоб жавонингизга

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

Абдулла ҚОДИРИЙ, «ҒИРВОНЛИК МАЛЛАВОЙ». — **Атоқли сўз санъаткори А. Қодирийнинг бу тўплами халқимизнинг маънавий мулкига айланган машҳур қиссаларидан ҳажвия, очеркидан, шунингдек адибнинг бундан олдин чиққан, бироpта ҳам китобига киритилмаган мақола ва фельетонларидан таркиб топган. Китоб 100 минг нусхада чоп этилди. Баҳоси 1 сўм 60 тийин.**

Иброҳим ҒАФУРОВ, «ЎТТИЗ ЙИЛ ИЗҲОРИ», **— Мунаққид ва таржимон И. Ғафуровнинг ушбу тўпламига унинг кейинги йилларда яратган адабий-танқидий мақолалари ва кузатишлари киритилган. Тўпламга филология фанлари доктори С. Мамажонов сўз боши ёзган. Тиражи 10 минг нусҳа, баҳоси 1 сўм 70 тийин.**

Тўхташ АШУРОВ, «ОҚ ОТ». **— Мазкур тўпламга, ёзувчининг «Қалб бутун бўлса», «Марварид тут», «Меҳр» қиссалари ҳамда ҳикоя, ҳажвиялари киритилган. Китоб 30 минг нусхада чоп этилди. Баҳоси 75 тийин.**

Ҳалима ҚОРАБОЕВА, «ҚАЙТМАС ДАҚИҚАЛАР». **— Ёш шоира ушбу тўпламда умр лаҳзаларини ўз шуури, меҳнати билан безаётган замондошларимизни улуғлайди. Чин муҳаббат, дўстликни куйлайди. Китоб 10 минг нусхада чоп этилди. Баҳоси 65 тийин.**

Саломат АЗИМОВА,
нашриёт ходими.

## Дўстим

Ҳазил

Бир пайтлар бир кўрпага
Сиққан эдик иккимиз.

Қанча тунни тонгга улаб
Чиққан эдик иккимиз.

Ким дуч келар буғдойгаю,
Ким дуч келар сомонга.

Тақдир экан, кунлар ўтиб
Кетдик турли томонга.

Новвот каби ширин
дамлар,

Болаликдан хотира.

Сени мендан илиб кетди,
Қўшним қизи Нодира.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
хизматчи.

## Яхши анъана

Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳалла тўйлар ва бошқа турли маросимлар янгича анъаналар асосида, чиройли ва ихчам ўтказилмоқда. Бу ишларга маҳалланинг отахонлари Тўхта Раҳмонов, Ғиёс Ғозиев, Абдулла Ризамуҳамедов ва бошқа активлар бош-қош бўлишяпти.

Маҳалла клубида ёшларнинг никоҳ тўйлари, кумуш ва олтин тўйларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ҳам яхши анъанага айланиб қолди. Шуниси диққатга сазоворки, тўй ва бошқа маросимларга тоғора кўтариб боришлар, дабдабабозлик, ортиқча чиқим қилишлар барҳам топди. Ёшларнинг никоҳ тўйлари ва бошқа маросимлар ихчам ўтиши билан ҳаммани хурсанд этмоқда.

Л. ҲАМИДОВ.

## Жиноят содир бўлди

### ЖИНОЯТЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

31 июль кечки пайт Юнусобод массивида истиқомат қилувчи «Б» исмли гражданин маст ҳолда Ғаффоров билан жанжаллашиб қолган ва унинг бошига болға билан уриб ўлдирган. Сўнг мурдани ўз уйида қолдириб, чиқиб кетган. Бу ҳақда ҳеч кимга хабар қилмаган. Жиноятчи қўлга тушди.

* * *

7 августда «02» телефони орқали номаълум гражданин 3-Сергели массивида жойлашган 18-16-уйлар оралиғида номаълум шахслар машинани қисмларга ажратаётганликларини хабар қилган, аммо, исмини айтмаган.

Саноқли дақиқалардан сўнг Сергели район ички ишлар бўлими наряди: терговчи М. Қамбаров, оператив вакил С. Солиев ва навбатчи ёрдамчиси Ю. А. Казаковлар воқеа содир бўлган ерга етиб келиб, жиноятчиларни қўлга туширишди. Автомашина эгасига топширилди.

* * *

4 августга ўтар кечаси 4-Олтинкўл проездида истиқомат қилувчи Х. Исмоилованинг квартирасига дарвозадан тушиб, туфлисини ўғирлаб кетишган.

Оператив текширишлар натижасида жиноятчилар қўлга туширилди.

### БУЮМЛАР ҚАЁҚҚА ҒОЙИБ БЎЛДИ!

4 август кечки пайт Октябрь районининг Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчасида жойлашган «Узбитхимпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-магазин инвентаризация қилинганида 13 минг 748 сўм 11 тийинлик камомад борлиги маълум бўлди. Тергов ўтказилмоқда.

### ДАВЛАТ МУЛКИ ЎҒИРЛАНДИ

6 августга ўтар кечаси номаълум шахс деразанинг темир панжарасини синдириб электрон-техника заводининг 11-омборхонасига кирган ва 35 литр техник спиртни ўғирлаб кетган. Жиноят омборхона ёмон қўриқланганлиги туфайли содир бўлган.

### АВТОТРАНСПОРТ ОЛИБ ҚОЧИЛДИ

Ички ишлар органлари кўпгина автомотранспортларни олиб қочилаётганидан безовта бўлмоқдалар. Бу ҳодисалар кўпинчалик машина эгалари томонидан автомобилларни қаровсиз қолдираётганликлари натижасида юз бермоқда.

4 август кечқурун Чилонзор массивининг 18-кварталидаги Подмосковная — Я. Купала кўчалари чорраҳасида С. М. Маровага тегишли «ВАЗ-2106», «Е 76—82 ТН» рақамли автомашина олиб қочилган.

5 августда Хоразм кўчасидаги 7-уй олдидан А. И. Куликовга тегишли «ВАЗ 21063», «62—38 СИВ» рақамли яшил рангли автомобиль олиб қочилган.

6 август кундузи Қўйлиқ бозори олдида «Госснаб»нинг транспорт корхонаси ҳайдовчиси З. Н. Раҳимов томонидан қаровсиз қолдирилган «ЗИЛ 133», «07—44 ТНФ» номерли машина олиб қочилган.

Автомашина техник жиҳатдан соз ҳолда топилди ва ташкилотга қайтарилди. Жиноятчилар қидирилмоқда.

### ҚАЛЛОБЛИК

Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай баъзи ҳамшаҳарларимиз қаллоб, товламачиларга ишонишмоқда. Улар бундан фойдаланиб одамларнинг қимматбаҳо буюмларини олиб қўймоқдалар.

4 август кундузи Ленин районининг 3-Қўйлиқ массивидаги «Чебурашка» боғи территориясида лўлиларга ўхшаш икки аёл фол очиш баҳонаси билан Х. Т. Аҳмедовнинг олти хил олтин буюмини олиб қўйишган. Жиноятчиларни қидириш бошланди.

6 август кундузи Чилонзор массивининг 5-кварталидаги 35-уй олдида лўли миллатига мансуб номаълум аёл нина ёрдамидаги фирибгарлик билан Тошкент Давлат медицина институтининг студенти В. Р. Ортиқованинг 34 сўм пулини олиб қўйган.

Белгилари: 30—35 ёшларда, бўйи 155—160 сантиметр, қора сочлари тўғри тушган, пешонаси баланд, шаҳло кўзли, қирра бурун, лаблари ингичка, тилла тишлари бор. Тўқ-қизил рангли кўйлак кийган, бошига рўмол ўраган. Қўлида икки-уч ойлик боласи бор эди.

### БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Динар Хадисович Латипов, 1963 йилда туғилган. Тошкент шаҳри, ТТЗ-4 массивидаги 34-уйдаги 5-ётоқхонада яшайди. 1987 йил 6 июнь куни ётоқхонадан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160—165 сантиметр, ўртача қоматли, сочлари қора, қалин, калта қилиб қирқилган, тишлари тўла. Оқ рангли футболка ва кул ранг шим кийган.

Екатерина Ананьевна Вишнякова, 1928 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Париж Коммунаси кўчасидаги 49-уйда яшайди. 1987 йил 25 майда уйидан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160 сантиметр, ўртача қоматли, юзи чўзинчоқ, қоши ёйсимон, кўзи зангори, бурни ўртача, сочи тўқ қора, калта қилиб қирқилган. Эгнига гулдор жигарранг кўйлак, оёғига қора шиппак кийган.

Ўзингиз пайқаган тартиббузарликлар, жиноятчиларнинг белгилари ҳақидаги маълумотларни 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

